

Xabar

34

(935)-son

20-avgust

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

“09” дан минг тўққизгача...

Call Center
UZBEKTELECOM
Toshkent Shahar Telefon Tarmog'i



CALL CENTER

Пойтахтимизда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи”нинг “09” маълумот-ахборот хизмати мавжудлигидан беҳабар инсон бўлмаса керак. Юзага келган вазиятда қандай телефон рақамини теришни билмаганимизда ушбу хизмат ёдимизга тушади. Утган асрнинг ўрталаридан иш бошлаб аллақачон шаҳар инфратузилмасининг ажралмас қисмига айланган мазкур хизмат фаолиятида мамлакатимиз истиклолга эришгандан сўнг жуда катта ижобий бурилишлар юз берди. Унинг саксон нафар телефончи аёлдан иборат ходимлари куну тун, хатто байрамларда ҳам хизматимизга шай. Айниқса, шу кунларда — энг буюк, энг улғу байрамимиз арафасида уларнинг иши янада кўпайган.

3-бет



Сўнгги янгилик!

Алоқа оламида:

Япониянинг Thanko компанияси сувга тушиб кетган мобил телефонларни қури-тишга мўлжалланган печ ишлаб чиқди.

Айни пайтда Япониядаги бир қатор маиший техника дўконларида мазкур печни уч-ратиш мумкин. 12 доллар эвазига телефонни қуришиб беришади, агар бирон-бир натижа чиқмаса, пул қайтариб берилади.

Печ қанчалик оммалашади билмадик, аммо сув мобил телефон қушандаси эканлиги айни ҳақиқат. Мутахассисларнинг тавсия беришича, мабодо телефонингиз сувга тушиб кетган тақдирда имкон қалар уни тезроқ очиб аккумулятор батареясини олишингиз ва телефондаги намлик йўқолмагунча уни жойига қўймаслигингиз керак.

Ушбу сонда:

- Кун тартибда: **Дастур ижроси ва ахборот хавфсизлиги** 2
- **Умидлар ушалган кун** 3
- **Наша смена** 6
- **Эзгу ишлар мукофоти** 13
- **Анонс: ICTExpo 2010 кўргазмаси** 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида"ги қарори эълон қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2010 йил 28 август шанба ва 29 август якшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилди. 28 август шанба ва 29 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда 14-15 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 16 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этди.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штаби маълумотларига кўра, умумхалқ ҳашарида аҳоли томонидан 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 22 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланди, қарийб 14 миллион тулпан ортиқ дов-дарахтлар оқланди ва уларга шакл берилди. Шунингдек, 9 мингдан зиёд қабристон ва зияратгоҳ тартибга келтирилди. Эҳтиёжман инсонларга 590 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузуридаги суд қонуначилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда халқаро минтақавий семинар ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Нихол" мукофотининг навбатдаги соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Санъатнинг мумтоз кўшиқчилик, рақс, эстрада ва опера ижрочилиги йўналишлари бўйича истеъдодини намоён этган 87 нафар номзоддан 12 киши танловнинг якуний босқичи ғолибига айланди.

Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейида мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган музейлар раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектуризм" жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги муносабати билан Ўрта Чирчиқ туманида "Оналар куйлаганда..." деб номланган анъанавий кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги хайрат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайрат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

Кун тартибида: ДАСТУР ИЖРОСИ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

Хайратда Баркамол авлод йили давлат дастурининг бажарилиши ҳамда соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Биринчи масала юзасидан Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев ахборот берди. Ахборотчининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги 1271-қарори билан тасдиқланган Баркамол авлод йили Давлат дастурини бажариш мақсадида Агентликнинг 2010 йил 29 январдаги 46-буйруғи қабул қилинган. Мазкур буйруққа асосан Давлат дастурининг тегишли бандларини амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Агентлик ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳаси ўрнатилган тартибда 9та вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Бугунги кунда ТАТУ Самарқанд филиали янги ўқув биносидан ички ва ташқи деворларни суваш ишлари олиб борилмоқда. Спорт залининг бетон устуллари ўрнатилди ва гишт териш ишлари якунланди, пол қисмининг бетоми қуйиб бўлинди. Ўқув биносининг А ва В блокларида гишт териш ишлари якунланган ва акфа ромлари ўрнатилмоқда. Худудни ўраб турувчи темир панжара ўрнатиш учун фундамент қуйиб бўлинди ва темир панжараларга ҳамда спорт зали томи учун темир каркасларга буюртма берилган.

Миллий контент (ахборот ре-

сурслари)ни ривожлантириш учун инфратузилма яратиш юзасидан "Ўзбектелеком" АК "Маълумотлар маркази" (Дата-центр)ни куриш бўйича танлов ғолиби билан умумий қиймати 195 минг АҚШ доллари миқдоридagi шартномалар 2010 йил 11-12 февралда имзоланди. Бугунги кунда қурилмалар тўлиқ келтирилиб, соналди. 2010 йил 1 июлидан бошлаб тажриба тарзида ишга туширилди.

Қишлоқ жойларида маълумотлар узатишининг симсиз кенг полсалони тармоғини кенгайтириш лойиҳаси доирасида республика бўйича 1200та стационар терминаллар харид қилинди ва худудларга ижтимоий тоифадаги объекларни телефон алоқаси, интернет хизматлари билан таъминлаш учун тарқатилди. Шу билан бирга, ZTE компаниясидан қўшимча 1900та стационар терминаллар харид қилинди ва жойларга етказиб берилди.

Хозирги кунда "Навоий" ЭИИЗсида "Рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи (Set-top-box) ускуналарини йиғишни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш учун ишлаб чиқарувчи корхона курилиши пудратчи ташкилот "Замин курилиш технологиялари" МЧЖ томонидан олиб борилмоқда.

ТАТУнинг юқори босқич иқтисодори талабаларидан танлаб олинган 400дан ортиқ "Бунёдкор ёшлар" ўқув отрядлари томонидан республиканинг 200дан ортиқ туманларида ёшларни ҳамда давлат органлари ходимларини компютер саводхонлигига ўқитиш юзасидан ўқув курсларини ташкил этилиб, 15000дан ортиқ тингловчи мазкур ўқув курсларида ўқитилди.

Кун тартибидаги иккинчи ма-

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

сала — соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида "UZINFOCOM" маркази ДУК директори Ж.Раҳимов ахборот берди. У 2009-2010 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари-

нинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор буйруқ ва қарорлар қабул қилинганини айтиб ўтди.

Агентликнинг 2009 йил 11 майдаги 150-буйруғига асосан, UZINFOCOM маркази мутахассислари томонидан 8та алоқа соҳаси корхонасида ахборот хавфсизлиги бўйича текширув тадбирлари уюштирилди. Текширув 2009 йил 15 сентябрдан 2010 йил 16 апрелгача ўтказилди.

Сўнгги йилларда "UNICON.UZ" маркази томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Марказда республикада қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатлар талабига жавоб берадиган Электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш маркази дастури таъминоти, Е-Хужжат электрон ҳужжат айланиш тизимлари ҳам ишлаб чиқилган. Қалитларни рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо сертификатлари ва қалитларини HimFayl, Е-ХАТ, Гермес, Е-Хужжат, Биржалараро савдо ҳамда криптопровайдер тизимларида қўллаш мумкинлиги фойдаланувчиларга турли тизимларда биргина сертификатдан фойдаланиш имконини беради. Бу ишлаб чиқилган дастурий таъминотларнинг ўзаро ишлай олишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ахборот хавфсизлигини таъминловчи воситаларни АКТа қўлламасдан туриб, республикада электрон ҳужжат, хат айланиш ва бошқа тизимларни ривожлантириб бўлмайди.

Хайратда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алоқачилар ҳашарда

Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрамига тайёргарлик олдидан 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» АКнинг пойтахтда жойлашган филиаллари ходимлари намуна кўрсатишди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК, Тошкент ахборот технологиялари университети, «ТошТТС» филиали ва соҳа бошқа корхоналари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади. Аҳоли тураржойлари, корхоналар атрофи тозаланди, дарахтларга шакл берилди ва оқланди.

Ҳашардан тушган маблағ кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ногиронлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш мақсадларига йўналтирилди.



Суратда: «ЎзМобайл» ходимлари ҳашарда.

Йигирма йил муқаддам Хўжайли туман алоқа тармоғи собиқ бошлиғи Шойин Бадақбоев ташаббуси билан тармоқ биноси олдидagi ташландиқ жой ободонлаштирилиб теярк ниҳоллари ўтказилган эди. Ҳозир бу дарахтлар гуркираб ўсмоқда. Умумхалқ ҳашарини Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси ходимлари ана шу ерни тозалашдан бошлашди ва бино таъмирдан чиқаришди.

Ҳашарда ходимлардан К.Ғойипов, К.Исмагуллаев, Ж.Ўтаганов, А.Бўронбоев, Г.Долибоев ва бошқалар фаол қатнашди.

Ҳашар почта ходимлари иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

ALOQA KORXONALARIDA

“09” дан минг тўққизгача...

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Одатда, аксариятимиз “09” фаолиятини бирор бир корхона ёки ташкилот телефон рақамини аниқлаб бериш хизматини кўрсатишдангина иборат деб ўйлаймиз. Аммо унинг фаолиятига чуқурроқ назар ташласак, хизмат турлари биз ўйлагандан ҳам кенгроқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда маълумотлар хизмати билан бир қаторда, “Виртуал офис”, “Теле-овоз бериш”, “Аниқ вақт”, “Об-ҳаво маълумоти”, “Табрик”, “Болалар учун эртақлар”, “Хабар бериш” каби хизматлар пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонларига муваффақиятли тақдим этиб келинаётганлиги фикримиз исботидир. Мана уларнинг айримлари:

“Виртуал офис”

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлик субъектлари, давлат идоралари, қўшма корхоналар ва бошқа ташкилотлар учун мўлжалланган интеллектуал хизмат бўлиб, ташкилотларда ходимлар сонини оптималлаштириш, мижозларга тўлиқ маълумот бериш, маълумотларни қабул қилиш имкониятларини яратди.



Тарифлар хизмати

Коммунал тўловларга тарифлар тўғрисидаги ахборот — пойтахтимиз аҳолиси орасида ҳақли равишда катта талабга эга. Ҳар доим ҳам тарифлардаги барча ўзгаришларни билиб боришнинг иложи бўлмайди. Албатта, тарифларни бевосита кассанинг ўзида билиб олиш мумкин, лекин бунга алоҳида вақт ажратилиши керак, бунинг устига, кассанинг кичик ойнаси олдида этилиб турган ҳолда шошилиб тўланадиган пул миқдорини ҳисоблаш ҳам ўзига яраша ноқулайлик туғдиради. Бу ишни уйдан чиқмасдан туриб амалга ошириш мумкинми? Марҳамат, сиз бемалол “09” хизматида кўнгироқ қилиб, тарифлар ҳақида тўлиқ маълумотни билиб, тўланадиган суммани уйда хотиржам ҳисоблаб олинг. Бу ҳам сиз учун яратилган қулайликнинг бир кўриниши.

Мижозлар кўпинча яна бир муаммо — тураржойларига энг яқин жойлашган бирон муассаса, масалан, поликлиника, стоматология, дорихона, касса, гўзаллик салони ва шу кабиларни излаш муаммосига дуч келдилар ва ушбу масалада ҳам “09” хизмати ёрдам бера олади. Сиз ўзингиз турган жой мўлжалли ва кўчангиз номини айтсангиз кифоя, қидирган манзилингиз ҳақида аниқ жавоб олишингиз мумкин. Шунингдек, театрлар телефонларидан тортиб, то репертуарларига ҳам барча-барча маълумотлар “09” маълумот-ахборот хизматининг кенг тарқалган турларидир.

Табрикламоқчимисиз, кўшик коддини танланг

Яқинларингизни турли байрамлар, туғилган кун, қолаверса, кўнглини кўтариш ёки яхши кайфият улаштиш мақсадида таб-

рикламоқчисиз. Уша кишинингизнинг олдида бориб дил изҳори айтишга вақтингиз зиқ ёки анча йироқдасиз. Бундай вақтда “09” хизмати сизга “Табрик” хизматидан фойдаланишни тақдим этади. Керакли телефон рақамига кўнгироқ қилинг ва овозли хабар қолдириб, табрик кўшиги коддини танланг. Табригингиз ва танланган муסיқангиз кўрсатилган телефон эгасига тез орада етказилади.

Хамкорликдан фақат ютасиз

Мазкур хизмат ходимлари билан мулоқот қилиш нафақат аҳоли, балки барча корхона ва ташкилотлар, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи фирмалар учун жуда фойдали. Юридик шахслар ўзларининг фаолият турлари ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиши учун “09” хизмати картотекасига телефон рақамларини киритиш ҳақида махсус аризани тўлдирсалар кифоя. Бу хизмат умуман бепул амалга оширилади. Шунингдек, маълумотлар базасига мобил телефон рақамларини ҳам киритиш мумкин. Таъкидлаб ўтиш жоизки, “09” хизмати ходимлари ҳар кун Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига, тадбиркор ва ишбилармонларга 18000 дан зиёд маълумотлар тақдим этишди.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз телекоммуникация тармогининг ривожланиши “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалига “09” маълумотлар хизматини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, шу билан бирга, интеллектуал платформа асосида янги хизматларни жорий этиш имкониятларини яратмоқда. Хизматнинг ўз ишига меҳр қўйган фидойи ходимлари эса фаолият доираларини кенгайтиришда давом этиб, мижозлари ҳаётини яхшироқ кўриши учун доимо изланиш ва ҳаракатда.

Усмонжон ЙУДДОШЕВ,
“Хабар” мухбири

MUSTAQILLIK ODIMLARI

Биз учун энг азиз, энг муқаддас бўлган байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги санасига ҳам санокли кунлар қолди. Истиклол байрами олдида барча соҳалар сингари алоқа корхоналарида ҳам тўйга муносиб тўёна хозирланмоқда. Соҳа вакилларининг айна дамда кайфияти янада аъло, дилларида, қалбларида байрам шукухи. Биргина “ЎЗИ-Қарши” филиали жамоаси ҳам истиклол ва истиклол байрамини меҳнатда муваффақиятлар билан қарши олмақда.

Умидлар ушалган кун

Муъссар ЁДГОРОВА, молия ва режалаштириш бўлими менежери:

— Корхонамиз ташкил этилганлиги узоқ йилларга бориб тақалса-да, мустақиллик йилларида нафақат шаклан, балки тубдан ўзгарди. Буни коммуникация хизматларини кўрсатувчи замонавий технологиялар мисолида кўриш мумкин. Салоҳиятли ёшлар, хотин-қизлар бу ускуналарни бошқараётганлиги ҳайратланарлидир. Байрам арафасида ходимларимизнинг меҳнатдаги, ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари муносиб бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида олинган даромада кўра, режа 113,9 фоизга адо этилди. Ярим йилликда 3 миллион 979 минг сўм соф фойда олдик. Бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 237749 сўмни ташкил этмоқда. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади учун жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 810 минг сўм маблағ ажратилди.

Бахтиёр АВЛИЁКУЛОВ, маркетинг бўлими менежери:

— Мустақиллигимизнинг шодиёна кунлари олдида абонентларга байрам тўғрисида ҳаёти анъанага айланиб қолган. Истиқлолнинг 19 йиллиги муносабати билан “Ўзбектелеком Интернешнл” қўшма корхонаси “Кувонч” байрам акциясини тақдим этмоқда. 2010 йилнинг 10 августидан 1 октябргаича IP-телефон карточкалари 20 фоиз чегирма билан сотилмоқда. 15 августдан 15 октябргаича ADSL хизматига уланган ҳар бир абонентга 3000 сўмлик шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар карточкаси совға қилинади. Мана шу қисқа вақт ичида 30 нафар акция иштирокчиси абонентимизга айланди. Шаҳарликларга кўрсатилаётган қўшимча хизматлар кўлами кенгайди. 11 минг 939та абонент ҚХТдан фойдаланаётир. Олинган даромад эса ярим йилликда 80 миллион сўмдан ошди.

Баҳром ШУКУРОВ, 224-ЭАТС

участка бошлиғи:

— Виллоятимизда ўрнатилган янги қурилмалар интернет хизмати, уяли алоқа тизими, шаҳарлараро сўзлашув, телевидение, радиоканаллар тўлқинларини таъминлайди. Қарши шаҳридаги марказий алоқа уйига шаҳарлараро ҳамда магистрал алоқа линиялари виллоят ҳудудидан ўтган Транс Осиё ва Европа магистрал оптик толали алоқа линияси тортилиб, бу ерда Япониянинг NEC компанияси томонидан ишлаб чиқилган DWDM қурилмаси ўрнатилган. Бу қурилма ердамида бир вақтининг ўзида 360000 нафар киши халқаро сўзлашувларини амалга оширишлари мумкин. Шу пайтгача виллоят бўйича 28000 сўзлашувчи халқаро алоқага чиқиш имкониятига эга эди. Интернет тармоғи орқали ахборот олиш тезлиги сезиларли даражада ошди. Мустақиллик йилларида соҳа мисли кўрилмаган даражада ривожланиб бораётганлигини ҳис этиш қийин эмас.

Халқимизнинг орзу умидлари ушалган кун, истиклол ва истиклол байрамини “ЎЗИ-Қарши” филиали жамоаси шод-хуррамлик билан қутиб олиш истагида кўли-кўлга бериб меҳнат қилмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг

Қашқадарё виллоятидаги мухбири

Xalqaro hayot

БАҒДОДА ЯНА КЎПОРУВЧИЛИК

Associated Press агентлигининг хабар беришича, Бағдодаги кўпоровчилик оқибатида 41 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 112 нафар шахс жароҳатланган.

Воқеа Бағдодининг марказий туманидаги Ироқ армиясига қақриув биносига рўй берган. Маълумотларга кўра, бомба террорчи камикалзе томонидан ҳаракатга келтирилган.

Бағдода бу каби террорчилик ҳодисалари доимий тус олган, ушбу портлаш сўнгги пайтлардаги энг йирик фожеалардан бири бўлди. Портлашларни кўп ҳолларда «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳининг Ироқдаги маҳаллий бўлимаси ўз зиммасига олади.

Сеул – Пхенян: КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ БИРЛАШАДИМИ?

Жанубий Корея раҳбари КХДР билан бирлашув режасини таклиф қилди. У бу ҳақда мамлакат япон босқинчиларидан озод бўлганининг 65 йиллиги нишонланаётган тадбирдаги чиқишида маълум қилди.

Жануб ва Шимол муносабатлари ҳақида гап-рапар экан, президент Пхенян тарафидан асосиз маълумотларга йўл қўйилмаслиги кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталди. У, шунингдек, бирлашиш гоёсига уч босқич: атомдан холи бўлиш асосида Корея яриморалида тинчликни ўрнатиш, ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда корейлар иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш, миллий бирдамликни тузиш ва уни биргаликда ривожлантириш орқали эришиш мумкинлигини билдирди.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун президент «қайта бирлашиш солиғи»ни қиритишни ва бу масалани жамоатчилик муҳокамасига қўйишни таклиф қилди. Парламент кўмиталаридан бирининг билдиришича, Шимол билан бирлашиш жараёни учун Сеул тахминан 1,3 триллион долларни гарданига олиши керак.

Корея давлатларининг бирлашиши албатта амалга ошишига ишонч билдираётган президент Ли Мен Бак пхенянлик раҳбарларни жараёнга реал баҳо беришга ва ўзгаришлардан чўчимасликка қақриди.

МАККА ШАҲРИДА УЛКАН СОАТ

Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида дунёдаги энг катта соат ўрнатилди. Reuters хабарига кўра, соат механизми ярим ой кўринганидан бир қаққа кейин, муборак Рамазон ойи бошланган кунни Саудия қироли буйруғи билан ишга туширилди.

Лондондаги Биг-Бен соатидан ҳам улкан бўлган ушбу соат Германияда тайёрланган. Соат миллилари ўлчами 45га 43 метр бўлиб, уни 10 миллион киши кундузи 12 километр, тунда эса 17 километр узоқликдан бемалол кўришлари мумкин.

Қурилиши уч ойдан сўнг тугалланадиган соат минорасининг баландлиги 601 метрга тенг бўлади ва у Дубайдаги 828 метр баландликдаги Бурж Халифа минорасидан сўнг дунёда энг баланд минора бўлиши айтилмоқда.

ВАЙРОНА БИНОЛАР ҲУРИДА МАСЖИД ҚУРИЛАДИ

Нью-Йоркдаги вайрон бўлган эгизак бинолар ўрнига масжид қуриладиган бўлди.

Ғарб ОАВларининг ёзишича, АҚШ президенти Барак Обама масжид ва Мусулмонлар маданият маркази қурилиши лойиҳасини тасдиқлаган. «Ишонманки, мусулмонлар мамлакатдаги барча яшовчилар сингари ўз динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ қонуларда қафолатланган», — деган АҚШ президенти мусулмонлар жамияти вакиллари билан учрашувда.

Билдириб ўтмиш, сал аввалроқ Нью-Йорк маъмурияти вайронага айланган эгизак бинолардан унча узоқ бўлмаган жойда Cordoba House масжиди қурилиши ҳақида қарор қабул қилган эди. Лойиҳа 100 миллион долларга баҳоланган. Мусулмонлар маданият марказида бассейн, тренажёр зали, театр ва бошқалар бўлиши кўзда тутилган. Қурилиш 2011 йилнинг 11 сентябрида — 2976 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлган фожеали воқеа ўн йиллигида бошланиши керак. Бу қарорга кўлаб шаҳарликлар қарши чиқишди. Уларнинг фикрича, қурилажак Ислон маркази қурбон бўлганлар хотирасини ҳақоратлайди ҳамда террорчилар ғалабаси рамзига айланади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

BIZNES

Adobe ЯРАШИШГА ТАЙЁР

Бир қатор кескин чиқишларига қарамай, Adobe компанияси Apple учун «эшиклари доим очиқ»лигини билдирди. Компания ижрочи директори Шантану Нарайена, агар Стив Жобснинг корпорацияси истаса, компаниялар ҳамкорлиги сермаҳсул бўлишини айтган.

Илгарилари Flash (Adobe) ўз мобил қурилмалари учун мослиги ҳақида Apple кўп таъкилларди. Бироқ у ҳамма нарсани назорати остида сақлашга уринди ва ёпиқ тизимларга кўпроқ ургу берди, Adobe эса бунинг акси — очиқ дастурий маҳсулотларга ишонгани боис улар чиқиша олмаганди.



XAVFSIZLIK

АНТИВИРУСЛАР ИМТИҲОНИ

Virus Bulletin лабораторияси ўтказган сўнгги синовга 54та антивирус маҳсулотининг 19таси дош бера олмади. Улар VB100 сертификатига нолойиқ деб топилди.

Virus Bulletin — зарар келтирувчи дастурий маҳсулотлар ва спамларнинг олдини олиш, аниқлаш ва барҳам беришга бағишланган британ нашри ҳисобланади. VB100 сертификати эса компютерга махсус жойлаштирилган вируслар тўпламини 100 фоиз алашмай топган антивирус дастурларига топширилади.

Синов чоғи бир қатор антивирусларнинг мураккаб ҳужум сценарийларига мутлақо тайёр эмаслиги мутахассисларни кўпроқ ажаблантирди. Яна бир эътиборли жиҳат: Microsoftнинг бепул антивируси VB100 мувофиқлик сертификати кўлга кирита олди.



MOBIL ALOQA

ЭРИКССОН ТРАФИКНИ ҲИСОБЛАДИ

Сўнгги 12 ойда мобил трафик ҳажми деярли уч бараварга ошди. Ericsson компанияси ҳисоботига кўра, жорий йил иккинчи чорагида узатишган умумий трафик ойига 225 000 терабайтни ташкил этган.

2009 йил охирига келиб маълумотлар узатиш ҳажми овозли трафикни ортда қолдирган.

Компания маълумот беришича, ҳозир жаҳонда мобил тармоқдан фойдаланувчилар сони беш миллиарддан ошди, 2020 йилга бориб уланган абонент терминаллари сони 50 миллиардни ташкил этиши эҳтимолда тутиляпти.

Ericsson компанияси яқинда уяли алоқа абонентларига хизмат кўрсатувчи икки миллионинчи база станциясини ўрнатди. Икки миллионинчи станцияни ўрнатишга уч йилдан сал кўп вақт ўтди, биринчи миллионинчи станцияни ўрнатишга 20 йил ўтганди.

ЖАНУБДА ГАПЛАШИЛМАСИН



Orascom Telecom маълум қилишича, Шимолий Кореяда мобил телефондан фойдаланувчилар кўпайиб борапти, ёз фаслига келиб уларнинг сони 185 мингга етган. Эндиликда техник томондан 60 фоиз фуқаро ушбу тезкор алоқадан фойдаланиш имкониятига эга. Шунга қарамадан, Жанубий Корея билан чегара ҳудудларда алоқа ҳамон йўқ. Ҳукумат фуқароларнинг қўшни миллатдошлар билан мулоқотга киришишидан чўчимоқда.

The Korea Timesнинг ёзишича, март ойдан буён абонентлар сони яна 60 мингга кўпайган. Бу ўтган йилдагидан тўрт баравар кўлдир.

REYTING

ЭНГ ЯХШИ МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАР

Европа журналларининг аудио ва видеотехника бўйича ассоциацияси (EISA) 2010-2011 йилларнинг энг яхши мобил қурилмалари рўйхатини тузиб чиқди. Эллик нафар журналистан иборат жюри аъзоликта Samsung Galaxy Sni энг яхши смартфон сифатида эътироф этишди. Экспертлар қурилманинг техник хусусиятлари ва рангбаранг функцияларига юқори баҳо беришди.



Android-смартфон — Sony Ericsson XPERIA X10 mini негалар телефонлар сирасига киритилди ва бу борда энг яхши деб топилди. Бу аппарат «ақли телефон» билан яқиндан танишмоқчи аёллар учун айна муудоо эканлиги таъкилланган. Қурилма енгил ва ихчам, шу билан бирга, ажойиб дизайнга эга.

Ижтимоий тармоқлар ва мультимедиа йўналишидаги энг яхши телефон номига Bada платформасидаги илк аппарат Samsung Wave лойиқ топилди.

Apple iPad — энг яхши планшет, европалик журналистлар уни компютер деб ҳисоблашмайди, бироқ коммуникация ва электрон почтада фойдаланишда қулайлиги бўйича унга етадигани йўқ.

Шунингдек, энг яхши навигатор сифатида Garmin Nuvi 3790t, энг яхши наўшник дея Beyerdynamic T 50 р танланди.



ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР ҲУЗУРИДА Соҳанинг долзарб масалалари муҳокама

Навойи вилоятининг Қизилтепа тумани хокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган учрашувда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг долзарб масалалари, соҳага доир муаммолар муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг муражатлари тўғрисида»ги қонунининг бажарилишига эътибор қаратилди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қурбон Ваҳобов раислик қилган йиғилишда ЎзААА Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Эшонхўжаев, Агентликнинг Навойи вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Худойқул Искандаров, «Навойи Телеком» филиали директори Бозорали Тунгишбоев, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навойи филиали директори Йўлдошмурот Жўлиев, вилоят «Матбуот тарқатувчи» ШК директори Шаҳриёр Рустамов, шунингдек, туман ҳокимлиги аппарат ходимлари, ташкилот, корхона раҳбарлари ва ходимлари, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, турли қасбдаги ва ёшдаги фуқаролар иштирок этди.

Қ.Ваҳобов кириш сўзида сўнгги йилларда Қизилтепа туманида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар, хусусан, замонавий рақамли АТСлар ўрнатилгани, почта ва матбуот соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларни эътироф этди.

А.Эшонхўжаев республикамиздаги соҳага оид ўзгаришлар, келгусидаги режалар, вилоят ва туманда алоқа ва ахборотлаштириш, почта ва телекоммуникация соҳа-

сини ривожлантиришда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди. Жумладан, туман маркази тўлиқ рақамлаштирилганлиги, интернет хизмати, замонавий почта алоқаси хизматлари кўрсатилаётганлиги, узоқ чўл ва тоғли қишлоқ аҳоли масканларида ҳам кам қувватли TV ва FM узатгичлар ўрнатилиб, ҳозирда самарали фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлади, келгуси йилларда АКТ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ва режаларга батафсил тўхталди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навойи филиали директори Й.Жўлиев почта соҳасининг ривожланиши тўғрисида гапираркан, бугунги кунда тезкор почта хизматлари, газета ва журналларга барча алоқа бўлимларида обуна ташкил қилинганлиги ва ҳар бир фуқаро почтанинг кўшимча хизмат қулайликларидан фойдаланиши мумкинлигини айтиб ўтди.

«Навойи Телеком» филиали директори Б.Тунгишбоев ҳозирги кунда туманда телекоммуникация соҳаси кун сайин ривожланиб бораётганлиги ва юқори тезликдаги интернетта бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида барча шароитлар яратилганлиги ҳамда хоҳлов-

ҚИЛИНДИ

чилар тармоққа уланишлари мумкинлиги тўғрисида таклифлар бериб ўтди.

Агентликнинг Навойи вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Искандаров ўз сўзида бугунги кунда алоқа соҳасида талбиркорлар учун қўлай шарт-шароит яратилганлиги, айниқса, қишлоқ жойларида талбиркорлик учун алоқа соҳасидаги лицензияларга давлат божлари камайтирилганлиги ва талбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хоҳловчилар вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидлади.

Учрашувда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қурбон Ваҳобов туманда маҳаллий ТВ очиб бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Ошқора ва самимий ўтган талбирда фуқаролар ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилиш имконига эга бўлдилар. Туман мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Гийсова мактабларга келган ёш, янги оила қурган ўқитувчиларга компьютер олишга кредит бериш бўйича имтиёзлар жорий этиш ва гаровсиз кредит олишга шароитлар яратиш бўйича таклифлар киритди.

Учрашувда кўриб чиқилган соҳага оид долзарб масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг
Навойи вилоятидаги мухбири

Радиовикторина

«Ўзбегим Таронаси» радиостанциясида (101FM) «Тараққиёт Сари» радиолойиҳаси доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўтказилган интерактив викторинанинг биринчи голиби аниқланди. Бу викторинада Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида яшовчи умумий овқатланиш соҳаси ходими Авазхон Илмуродов голиб чиқди.

«Жуда ҳаяжонданман. Чунки, викторинада ютиб чиқаман деб сира уйламагандим, — деди биз билан суҳбатда Авазхон Илмуродов. — Илгари ҳам бир неча маротаба ҳар хил викториналарда қатнашганман, ҳатто бир сафар концертга чиқтарлар ҳам ютганман. Лекин ахборот технологиялари соҳасидаги викторинада биринчи марта қатнашган бўлсам-да, голиб чиқиб, МРЗ плеер соҳиб бўлдим».

Ушбу радиолойиҳани БМТ Тараққиёт Дастурининг «Мамлакатни ривожлантириш учун АКТни шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидаги кўмак» (ICTP) лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташкил қилди.

«Тараққиёт Сари» радиолойиҳаси ҳар ойда икки маротаба, кеч соат 19:10да «Ўзбегим Таронаси» радиостанциясида эфирга чиқади.

Дастлабки эшиттириш мобил интернетга бағишланди. Бунда тингловчилар 3G, 4G (LTE), EDGE симсиз интернетте тўғрисида, унинг ёрдамида қисқа мулдатда ҳар қандай ахборотни кўздан кечириш ёки кўчириб олиш, юқори сифатли видеотасвирларни тўғридан-тўғри телефонга жўнатиш, интернет ва маҳаллий тармоқлар билан доимий уланиш, турли молявий амалиётларни бажариш мумкинлиги ҳақида ахборот олдилар. Шунингдек, тингловчилар Ўзбекистон ҳамда яқин ва узоқ хориз мамлакатларида ахборот технологиялари соҳасида юз бераётган янгилıklar билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз

Табриклаймиз!

«Фарғона Телеком» филиали жамоаси Бувайда ва Риштон телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Аҳаджон ҚУРБОНОВ ҳамда Ғофуржон УМИРОВАНИ 55 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту камолини кўришликни тилайди.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси Мирзо Улуғбек тумани телефон боғламаси муҳаббати Владимир АГАРКОВНИ 55 ёшга тўлиш муносабати билан самимий табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

«Ўзбектелеком Мобайл» филиали Қорақалпоқ боғламаси жамоаси боғламанинг абонент бўлими бошлиғи Асқа КУДАЙБЕРГЕНОВНИ 40 ёши билан муборакбод этди. Унга сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик алоқа соҳасидаги ишларига улкан муваффақиятлар тилайди.

ROPJN дастури

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан Буненжаҳон почта иттифоқи Конвенцияси талаблари ва «Халқаро почтамт» филиалининг жамият ҳудудий филиалларидаги почтага ишлов бериш пунктлари ҳамда почта алоқаси тармоқлари билан биргаликда ўзаро мутонасиб ишлашини таъминлаш мақсадида «REBIC» масъулияти чекланган жамияти билан имзоланган шартномага мувофиқ Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларининг ўтишини назорат қилувчи автоматлаштирилган тизими — ROPJN дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу тизимда «Халқаро почтамт» филиалининг мавжуд дастурий мажмуаси қайта кўриб чиқилган ва «Халқаро почтамт» филиалининг маълумотлар базаси такомиллаштирилган.

Янги дастурий мажмуа «Халқаро почтамт» филиали учун куйидаги имкониятларни яратади:

Келиб тушган почта тўғрисидаги маълумотни автоматик равишда юклаб олиш (кирувчи EDI хабарларни қайта ишлаш);

Чиқувчи почта тўғрисидаги маълумотларни автоматик равишда киргазиш (чиқувчи EDI хабарларини шакллантириш);

Почта жўнатмаларининг «Халқаро почтамт» филиали қошидаги божхона назоратидан ўткази-

лиши ҳолати тўғрисидаги ахборотни маълумотлар базасида акс эттириш;

«Халқаро почтамт» филиали ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маълумотлар базаси ўртасида маълумотларни кўчириш (репликация) қилиш;

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ корпоратив тармоғи орқали «Халқаро почтамт» филиали билан ҳудудий филиалларнинг почта алмасув пунктлари ва почта алоқа тармоқлари билан ўзаро электрон боғланиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг янги тизимда амалга оширилиши орқали:

— 50-70 фоиз маълумотларни қайта киргазиш-ни камайтириш орқали почта кечкиши сабабларидан бирини қисқартиришга эришиш;

— почта жўнатмалари ўтиши устидан назоратни такомиллаштириш;

— автоматик равишда турли ҳисоботлар ва статистик маълумотларни тайёрлашда маълумотлар базасида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

— «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг веб-сайти воқитасида сўровга жавоб олиш орқали почта жўнатмалари ўтиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Ҳозирги кунда ROPJN тизимини синовдан ўтказиш ва жорий этиш мақсадида, «Халқаро почтамт» филиали учун иккита янги сервер, почта алоқаси тармоқлари учун штрихкод сканерларини сотиб олиш ҳамда почта алоқаси тармоқларида ташкил этилаётган 190та автоматлаштирилган иш жойларини корпоратив тармоққа боғлаш ишлари якунланмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ матбуот хизмати

Наша смена

Каждая организация, предприятие считает своим долгом подготовить себе достойную смену. Так обстоит дело и Центре научно-технических и маркетинговых исследований государственном унитарном предприятии «UNICON.UZ».

Коллектив ЦНТМИ Узбекского агентства связи и информатизации на две трети состоит из молодежи. Это — студенты, магистранты, аспиранты. Большая часть из них учится в Ташкентском университете информационных технологий — головном вузе ИКТ страны. Также среди молодых специалистов есть небольшая группа выпускников ТУИТ, которые достойно представляют Узбекистан в зарубежных вузах. В этом году в Центр вернулись двое магистрантов.

Зохиджон Зияев окончил Ташкентский университет информационных технологий, после вуза работал в научно-исследовательском департаменте связи и информатизации. Затем на конкурсной основе поступил в Санкт-Петербургский государственный университет телекоммуникаций им. Бонч-Бруевича. Отлично защитился в отделе магистратуры на факультете «Сети связи, системы коммутации и вычислительной техники» кафедры «Сети связи».

— Сегодня я с почтением вспоминаю своих преподавателей, — говорит Зохиджон. — Особо хотел

бы отметить заведующего кафедрой Геннадия Григорьевича Яновского. В сфере телекоммуникаций известны две научные школы — Гольдштейна и Яновского. Геннадий Григорьевич является одним из основоположников школы, которую впоследствии назвали его фамилией.

На факультете радиосвязи, телевидения и мультимедийных технологий в магистратуре Санкт-Петербургского государственного университета телекоммуникаций им. Бонч-Бруевича получил магистерское звание и Улугбек Азимов. Обучаясь в отделе магистратуры, он работал над темой: «Исследование цифровых телевизионных передатчиков стандарта DVB-T». Она была выбрана не случайно, так как на сегодняшний день в Узбекистане активно развивается цифровое телевидение именно этого стандарта. Защита диссертации оценена положительно за практическую ценность.

Игорь Иосифович Гук — преподаватель кафедры цифровой обработки сигналов (ЦОС). Он является автором многих статей, посвященных ЦОС. Гук применял настолько интересную методику пре-

подавания, что новичок с первой лекции начинал понимать суть предмета и уже сам вовлекался в процесс образования. Игорь Иосифович во время лабораторных занятий всегда на месте объяснял, то, что сложно усвоить на теоретических занятиях.

У нас в группе учились четыре магистра и поэтому мы очень быстро подружились. Несмотря на то, что мы уже разлетелись по своим родным уголкам, сохранились добрые отношения. И сегодня переписываемся, обсуждаем и делимся новостями ИКТ в своих странах. Своих сокурсников мы приглашаем к себе в Узбекистан.

Машанпин Тимур сегодня продолжает учиться по индивидуальному графику в отделе магистратуры Санкт-Петербургского государственного университета телекоммуникаций им. Бонч-Бруевича на факультете радиосвязи, телевидения и мультимедийных технологий. Иначе говоря, он получает знания дистанционно, сессию сдаст на «хорошо». Они вместе с Дилмуродом Дустматовым — с коллегой из научно-исследовательского отдела «Радио, телевидение и электромагнитная совместимость»

не только работают в одном отделе, но и учатся в одной группе.

— Мне очень интересно было учиться у преподавателей, чьи учебники здесь в родном Ташкентском университете информационных технологий мы штудировали. К примеру, примечателен учебник Аллы Ивановны Салониной — «Цифровая обработка сигналов». Именно она заинтересовалась темой моей научной работы.

Со словами благодарности вспоминаю профессора Евгения Андреевича Кучерявого. Вначале мы с ним лично познакомились, присутствовали на его презентациях. Были рады, узнав о том, что он будет преподавать у нас. Он очень тепло отзывался об Узбекистане. Многократно принимал участие в конференциях, форумах, проводимых у нас в столице.

В завершении важно отметить, что новоиспеченные магистранты сегодня уже приступили к работе. Процесс образования, накопления опыта и навыков продолжается в родных стенах и они здесь пройдут отличную школу самого авторитетного и единственного в Центральной Азии Центра научно-технических и маркетинговых исследований Узбекского агентства связи и информатизации, где широко применяется система «Наставник-ученик» и внесут свою лепту в дальнейшее развитие сферы связи и информатизации.

Умида УМАРХОДЖОЕВА,
пресс-секретарь ГУП
«UNICON.UZ»

БИЛАЙН» СНИЖАЕТ

СТОИМОСТЬ GPRS-ПАКЕТОВ

«Билайн» сообщает о снижении цен на GPRS-пакеты.

Комментируя событие, Коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков отметил: «Теперь пользоваться мобильным Интернетом «Билайн» стало еще выгоднее. Мы рады, что у нас появилась возможность предоставить нашим абонентам еще более низкие цены на GPRS-пакеты».



С 17 августа «GPRS-пакет 10Mb» стоит всего \$1 (для сумовых тарифов — 1 600 сум); «GPRS-пакет 50Mb» — \$3 (для сумовых ТП — 4 800 сум); «GPRS-пакет 100Mb» — \$5 (для сумовых ТП — 8 000 сум); «GPRS-пакет 400Mb» — \$9 (для сумовых ТП — 14 000 сум); «GPRS-пакет 2000Mb» — \$20 (для сумовых ТП — 32 000 сум).

N'ANDY SANA 210 — телефон со встроенным электрокардиографом

Как сообщает SlashGear, к 2011 году в Великобритании появится телефон N'andy sana 210, предназначенный специально для людей с сердечно-сосудистыми заболеваниями. Устройство умеет делать электрокардиограмму, после чего отправляет результаты лечащему врачу пациента.

По словам производителя, чтобы сделать ЭКГ, достаточно на 30 секунд приложить два пальца к специальной панели на телефоне. Технические характеристики N'andy sana 210 соответствуют спецификациям большинства стандартных современных телефонов. Устройство обладает сенсорным 2,8" дисплеем, встроенной камерой и веб-браузером.

Стоимость N'andy sana 210 неизвестна. Возможно, телефон не появится в свободной продаже.

CONFICKER возглавляет мировой рейтинг

зловредного ПО

Червь Conficker по-прежнему возглавляет мировой рейтинг угроз, составленный вирусной лабораторией компании Eset. В июле доля этой вредоносной программы составила 12,47%.

Напомним, появление данного вируса, также известного как Downadup или Kido, было впервые зафиксировано в конце 2008 года.

Второе место в списке принадлежит семейству угроз INF/Autorun (5,90%), которые распространяются на сменных носителях. Следом идет троян Win32/Agent (3,65%), предназначенный для кражи личных данных пользователя.

Новичком июльского ТОП-10 стала троянская программа Win32/Dursg.A с показателем в 1,14%. Данная угроза модифицирует информацию, отображаемую в популярных браузерах, таких как Internet Explorer, Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera, и в распространенных интернет-сервисах - Google, Yahoo, MSN, Bing, YouTube.

АНДРОИДОФОНЫ обошли iPhone по продажам в США

Мобильная операционная система Android стала во втором квартале 2010 года самой популярной в США, обойдя BlackBerry OS компании RIM и iOS корпорации Apple.

За второй квартал было продано 4,96 миллиона андроидофонов, 4,85 миллиона смартфонов BlackBerry и 3,23 миллиона устройств на iOS. Год назад доля Android составляла всего 3,8 процента. BlackBerry и iOS тогда занимали 52,5 и 25,4 процента рынка.

В мире, по данным Gartner, рынок операционных систем для смартфонов выглядит иначе. Устройства на Symbian занимают 41,2 процента рынка, BlackBerry - 18,2 процента, Android - 17,2 процента, а iOS всего 14,2 процента.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

НАЧАЛСЯ СУД над менеджером Apple

Apple

США в понедельник начинается суд над менеджером по поставкам компании Apple Полом Шином Дивайном. Он обвиняется в получении взяток от шести азиатских компаний, которым он продавал корпоративные секреты.

Обвинение утверждает, что Дивайн, занимавший эту должность в Apple с 2005 года, пользовался служебным положением для доступа к конфиденциальной информации. Менеджер продавал ее азиатским поставщикам, которые использовали полученные сведения для заключения контрактов с Apple на более выгодных для себя условиях.

Федеральные власти обвиняют Дивайна в мошенничестве, отмывании денег, тайном сговоре и получении взяток.

Gruppo Posteitalia



ИТАЛИЯ-МИСР:
Келажак почтаси

Италия почта хизмати бош директори Массимо Сармини ва Мисрнинг Италиядаги элчиси Ашраф Рашид Миср почтасини иқтисодий ривожлантириш, инновацион ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан келишув имзолашди.

Унга кўра, Миср почтасини қайтадан оёққа кўйиш учун беш йил керак бўлади. Биринчи босқич жорий йил июнидан бошланди ва етти ярим ой давом этади. Бу даврда почта хизматлари сифати оширилади ва янги таклифлар ишлаб чиқилади. Қўшма лойиҳада пул ўтказмалари учун олинган тўланган пластик карталар ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.


«Миср почтаси билан ҳамкорлик Италия почта хизматининг инновацион логистика тизимлари соҳасидаги ютуқларига мисолдир, — дея таъкидлаган Массимо Сармини. — Мисрлик ҳамкасбларимиз бизнинг ташкилотимизни ҳамкор сифатида танлашганидан мамнунмиз ва уларга келажак почтасини барпо этишда қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатишга тайёрмиз».

ИСРОИЛ: Visa карталари

Исроилда тўлов пластик карталарининг янги эмитенти пайдо бўлади.

Беш ойлик музокаралардан сўнг мамлакат почта хизмати Visa Europeга аъзо қилиб олинди, энди у Visa карталарини чиқаради. Эътиборли жиҳати, почта хизмати Исроилнинг ўз тўлов карталарини чиқарган ilk нобанк ташкилоти бўлади.

Visa карталари почта компаниясига тақдим этаётган молиявий хизматлари доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.



GERMANYA: Янги иш ўринлари

Deutsche Post



Германия почтаси Баварияда 700 киши ишлашига мўлжалланган Call-марказини ишга тушириш арафасида турибди.

У Фюрт шаҳрида жойлашган ва Deutsche Postнинг катталиги бўйича 15-ўриндаги Call-марказидир. Янги марказ асосан интернет-хизматларга ихтисослашган.

Ушбу марказни очишга Германия почтаси раҳбарияти ва Бавария федерал сри бош вазири Херст Зеехофер ўртасидаги музокараларда эришилганди. Унинг айтишича, ҳудудда иш ўринларига талаб юқори пайтда марказнинг очилиши аини мудлао бўлди.

ПОРТУГАЛИЯ: «Яшил почта»

Тўлиқ эркин бозорга ўтиш арафасида Португалия почтаси ўз инвестиция режалари ва атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича стратегиясини эълон қилди.

Булар жумласида «Терра» (Project Earth) лойиҳаси ҳам бор. Унинг доирасида 50 граммгача бўлган хатлар бозори эркин рақобат учун очилади. Бундан ташқари, компания почта жўнатмаларига ишлов беришни автоматлаштириш учун 13,4 миллион евро инвестиция киритади ва бир нечта почта марказлари очади.

Project Earth лойиҳасига кўра, мамлакатдаги 900та почта бўлимида мижозларга экологик тоза технологиялар асосида тайёрланган янги — 15 хил пакет ва конвертлар тақдим этилади. Улар тўлиқ макултуралдан тайёрланган. Конвертларни тайёрлашда хлор ва бўёқ ишлатилмаган, улардан кўп марта фойдаланса бўлади.



PROJECT EARTH
A series of simple things that make a difference.

Қадрли ватандошлар!
Мустақиллик мизининг 19 йиллиги
муборак бўлсин. Ўзбекистон бундан-да
тараккубий эътаверсин!

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК
ЖАМОАСИ

Азизлар!
Улуғ айём барчангизга муборак
бўлсин! Буюк келажак қуришга
бўлган олий ишонч, ёруғ ва устувор
умид доимо қалбларимизда
мавж уриб турсин.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМФАРМАСИ ЖАМОАСИ



**Сиз азиз ватандошларимизни
яқинлашаётган Истиқлолимизнинг
19 йиллик шодиёнаси билан
муборакбод этамиз.
Севимли ва жаннатмонанд
юртимиз равнақ
топаверсин!**

“ГРАНИТ” ИИЧК жамоаси



“TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК жамоаси

**Жонажон юртимиз фуқароларига
Истиқлолимизнинг 19 йиллиги муносабати
билан самимий тилақларини йўллайди.
Байрамлар байрамларга уланаверсин!**

Ютуқлардан масрурмиз

ТАТУнинг радиотехника, радиоолоқа ва телерадиоэшиттириш факултетини битириб, Электромагнит мослашув марказига ишга келганимга ҳам уч йил бўлди.

Бу ерда мени илиқ кутиб олишди. Малакали мутахассис Матвера опа Матжоновадан касб сирларини ўргандим ва бунинг учун улардан бир умр миннатдорман.

Баркамол авлод йили муносабати билан корхонамизда анчагина хайрли ишлар олиб борилди. Айниқса, биз ёшларга алоҳида имкониятлар яратилаётганлиги, унумли меҳнат қилишимиз, спорт билан мунтазам шугулланишимиз, мириқиб дам олишимиз учун ҳамма шароит борлиги бизни янги ютуқлар сари руҳлантириб туради.

Республикамиз мустақиллигининг 19 йиллигини арзигулик ютуқлар билан кутиб олаётганимиздан ЭМММда ишловчи мен каби барча ёшларнинг қалбимиз ғурурга тўлапти. Ана шундай ютуқлардан бири яқинда ИСО 9001:2008 халқаро сертификатини олганлигимиздир. Бу сертификатни ушлаб туриш ҳар биримиздан ўз вазифамизга масъулият билан ёндашмоқликни, бор билим ва имкониятларни ишга солиб меҳнат қилмоқликни талаб этади, албатта.


Мен корхонамиз меҳнат жамоаси номидан республикамизнинг барча аҳолисини истиқлолимизнинг 19 йиллиги билан табриқлайман. Юртимиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин, дейман.

**Абдурахим ЮСУПОВ,
ЭМММ техник бўлими мўҳандиси**



Халол меҳнат меваси

**Хожиакбар ака
Каландаров алоқа
соҳасидаги меҳнат
фаолиятини 1967
йилда Тошкент
шаҳарлараро
телефон станцияси
техник
лабораториясида
электромонтёрликдан
бошлаган.**



У ўзининг 43 йиллик меҳнат фаолияти давомида электромеханик, катта электромеханик, муҳандис, 1985 йилдан совутиш қурилмалари, шамоллатгич ва электр қурилмалари участка бошлиғи, 1991 йилдан 2010 йил — нафақага чиққунига қадар «Тошкент телеграф-телефон станцияси»да бош энергетик лавозимида ишлади.

Хожиакбар ака йиллар давомида ўз касбини яхши билладиган, ҳар томонлама етук, фидойи инсон сифатида обрў қозонди. Корхона электр таъминотини ривожлантиришда, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда унинг хизмати беқийс. У совутиш цехини локал тизимга ўтказиш муносабати билан катта қувватдаги — соатига 250 квт/соат истеъмол қила-

диган совутгич машиналар ва 300 квт/соат миқдорда истеъмол қиладиган марказий кондиционерларнинг демонтаж ишларида фаол қатнашди. Шунинг ҳисобига 1200 кв.м юзага эга хоналар бўшатилиб, захирадаги машина қисмлари, йилга 1 тонна атрофида ишлатиладиган фреон-22 гази тежаб қолинди. Тежалган электр энергияси қиймати фақат 2005 йилнинг ўзида 1300000 квт/соатни ташкил этди. 2004 йили 2та водопровод суви кирими бирлаштирилди. Натижада 2та кўтарувчи насослар бўшатилади. Шунинг ҳисобига 60000 квт. электр энергияси тежалди. Илгари корхонада иссиқлик жиҳозларининг ўрнатилган қувватига қараб ҳисоб-китоб қилинар

эди. Хожиакбар ака бошчилигида иссиқлик энергияси миқдорини ҳисоблайдиган электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Натижада ҳар йили 20-22 млн. сўм тежаб қолинапти. Унинг бошчилигида ишлаб чиқилган схема бўйича «Интелсат» станциясига GEKO-30000 маркали дизел-генератор ўрнатилди, натижада электр таъминоти бўйича техник тўхталишларга барҳам берилди.

Хожиакбар ака меҳнат фаолияти давомида эришган ютуқлари учун бир неча марта корхонанинг фахрий ёрлиқлари ва ташаккурномалари билан, 2002 йилда ЎзААА фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Халол меҳнати билан эътибор қозонган бу заҳматкаш инсон меҳрибон оила соҳибидир. Турмуш ўртоғи Феруза опа билан тўрт фарзандни воёга етказдилар, ҳаммалари оилали. Ун нафар неваранинг суюкли бобоси Хожиакбар акага мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилаймиз, фарзандлар камолини кўриб юринг, деймиз.

**Маҳмуда АРИПОВА,
«ТошТТС» маънавий-
маърифий ишлар методисти**



Эзгу ишлар мукофоти

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалида тезкор замон рухи аник сезилади. Вилоят иктисодий ва ижтимоий ҳаёти юксалишига муҳим хисса қўшаётганлигидан фарғоналик почтачилар ҳақли равишда фахрланадилар. Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги нишонланганидан кун арафасида филиал жамоасининг рухияти кўтаринки.

Айниқса, Бағдод почта алоқаси тармоғи жамоаси байрамни бир қатор ютуқлар билан кутиб олмақда. Ўтган ойда бағдодлик почтачилар даромад режасини 102 фоизга адо этишди. Салкам 4 миллион 590 минг сўм соф даромад олишга, 13,6 фоиз рентабелликка эришилди. Электрон жўнатмалар бўйича режа ҳам 115 фоиз, коммунал хизматлар учун тўловлар йиғиш 150 фоизга уддаланди.

Бу муваффақиятлар замирида куч-ғайрат билан бирга, билим ва тажриба, ақл-идроқ, касб малакаси етарли ходимларнинг ўз ишларини оқилона ва самарали ташкил этишлари ётади. Кейинги йилларда, аник-

роғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғибот ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорини амалга ошира бориб, ходимлар ўртасида маънавиятни юксалтириш таъминланмоқда. Жамоа аъзолари ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун кўришга одатланганлар.

Филиал маънавият ва маърифат кенгаши котиби (фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи) Муҳаммаджон Ҳақимов бу ҳақда шундай дейди: — Кенгашимиз томонидан ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик каби фазилатларни қарор топтириш, таъмағирлик ва ўғрилик каби иллатларга қарши кураш борасида ҳам қатор ишлар қилинди ва натижалар чакки эмас. Ўзининг фуқаролик масъулиятини ҳис этиб фаолият кўрсатаётганлар сафи ортиб бормоқда. Охириги 7-8 ойда бу борала айниқса бағдодлик почта ходимлари барчага намуна.

Кенгаш аъзоси, филиал обуна



бўлими бошлиғи Жамолидин Иброҳимов бағдодликлар ибрати ҳақида мароқ билан гапирди:

— Тармоғимизда почтачи сулоалар кўпчилики ташкил этади. Алоқачига хос фазилатлар улارга ота-боболаридан қолган бебаҳо мерос, десак асло муболағабўлмайд. Уларда эл-юртни қадрлаш, унга астойдил хизмат қилиш, ишонч қозониш ва бу ишончни асраб-авайлаш каби кўплаб анъаналарга садоқат кучли. Мен буларни ўзимнинг йўналишимда олиб борилаётган ишларда кўраман. Уларнинг обуна ишларини олиб боришларига қараб ҳавасингиз келди. Ташкилот ва муассасалар билан бақамти ишлашади, ҳамкорликда хикмат кўп, деб шунга айтадилар. Ҳикмат бор жойга эса барака ёғилареради. Обуна бўйича ходим қасрга бормасин, ҳурмат билан кутиб оладилар. Бинобаин маънавият жонкуярига муносабат шундай бўлиши табиий. Туманда обуна ишларининг доимо ошириб бажарилиши ана шу ҳамкорлик, маънавият ва маърифатга эътибор шарофатидир. Улар ўтган олти ойлик обу-



на режасини 102,5 фоиз этиб бажардилар.

Ҳа, жамоа одамлар дунёқароши, тафаккурини бойитиш, эл-юртга муҳаббатли инсонларни тарбиялашдек шарафли ишлар йўлида хизмат қилмоқда Шу ўринда Рамия Мусякова, Салима Жўраева, Вера Умарова, Муҳаммадюсуф Хидиров, Нафиса Нишонова, Муҳаббатхон Аҳмедова, Мухтор Обидов, Хусанбой Раҳмонов, Мутолиб Эргашев каби мутахассис, алоқа бўлими бошлиқлари ҳамда хабарчилар номини Бағдод почта алоқаси тармоғи бошлиғи Шухратжон Қамбаров алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Ва уллар моддий ва маънавий тақдирланишларини таъкиллаб ўтди.

Озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишга ўзининг камтарин улушини қўшаётган жамоага бундан-да катта зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Бунёдкор кишилар сафида


Вобкент туманида 114 минг киши яшайди. Аҳоли ҳамда корхона-ташкилотларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишни таъминлашда “Бухоро Телеком” филиалининг Вобкент туман телекоммуникациялар боғламаси жамоасининг хиссаси салмокдир.

Боғламада ўз касбига чиндан-да меҳр қўйган, шарафли касбини узоқ йиллардан бери эъозлаб келаётган алоқачилар жуда кўп. Шулардан бири — АТС муҳандиси Исомиддин Найимовдир. У Тошкент алоқа коллежиде электр алоқаси техниги мутахассислиги бўйича таҳсил олганида ҳам, ушбу даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, дастлаб боғлама электромонтёри, кейинчалик эса АТС электромеханиги бўлиб ишлаганида ҳам устозлари ўғитларини унутмади. Шу тариқа меҳнат жамоасида ўз ўрнига, обрў-эътиборга сазовор бўлди. Мана, 6 йилдирки, И.Найимов ТТБда АТС муҳандиси вазифасида сикдидилдан ишлаб келмоқда. Шу билан бирга, боғлама касаба уюшмаси кўмитаси етакчиси сифатида ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, уллар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиб бериш учун жонкуярлик ва фаоллик кўрсатиб келаётир.

Исомиддин Найимов устозларидан ҳам, шогирдларидан ҳам ёлчи-

ган бахтиёр инсонлардан. Ҳозирги пайтда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасига раҳбарлик қилиб келаётган Халил Турдиев, АТС электромонтёрлари Аброс Азимов, Маҳбуба Жўраева, Мавлуда Ҳикматова, ҚТГ электромонтёри Дилмурод Қаюмовлар устоз ўғитларига содиқ шогирдларидан.

И.Найимов ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан инсон. Бирор кун ёки соат йўқки у ўз устиде жиддий ишламаган, амалий тажрибаларини бойитмаган, назарий билимларини оширмаган бўлсин. Айнан ана шу ижобий фазилатлари боис, у вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган малака ошириш курслари машғулотларида ҳам ашчагина фаол. Масалан, 2005 йилда Тошкент шаҳрида “NEAX-61” АТСнинг ишлаш тамойиллари юзасидан ўтказилган ўқув курслари, шунингдек, 2009 йилда Бухоро шаҳрида ADSL моделларини ўрнатиш ва улларга техник хизмат



кўрсатиш дастури асосида ташкил этилган машғулотлар И.Найимов сингари соҳа ходимларининг амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлашда, техник билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Туман телекоммуникациялар боғламаси бўйича жорий йилнинг 6 ойлик даромад режаси 104,6 фоизга уддаланишида АТС муҳандиси И.Найимов ҳамда унинг ишчан ҳамкасбларининг салмокли хиссаси бор.

“Мустақиллик йилларида туманимиз алоқа соҳасига ҳам бир қатор замонавий технологиялар кириб келди. Алоқа хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди, — дейди И.Найимов. — Катта-ю кичик юртдошларимиз истиқлол шарофатини ҳар қадамда кўриб ва ҳис этиб турибди”.

Дарҳақиқат, шундай. Биргина мисол, тумандаги корхона-ташкилотлар ҳамда хонадонлардаги компьютерларни интернетга улаш вазифаси қисқа вақт ичиде амалга оширилиб, жами 48та ADSL портлари монтаж қилинди ва шу тариқа абонентлар талаби тўлиқ қондирилди. Табиийки, бу жараён бундан кейин ҳам давом эттирилади. Шу ўринда муҳим бир жиҳатни ҳам тилга олиб ўтмоқчимиз.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳисобидан ҳозирги пайтда туман телекоммуникациялар боғламаси бўйича ҳар ойда 700 минг сўмга яқин даромад олинмоқда. Бу — туман миқёсида алоқа соҳасида кейинги 5-6 йил давомида рўй берган мислсиз ўзгаришлардан бир мисол, холос.

Мана 19 йилдирки, ҳамюртларимиз ўз кундалик жўшқин меҳнатлари билан истиқлолимизни мустаҳкамлашга салмокли хисса қўлиб келишмоқда. Бунёдкор кишилар сафида алоқа соҳаси фидойиси Исомиддин Найимов сингари жонкуяр ва тиниб-тинчимас етуқ мутахассисларнинг борлиги эса хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини янада яхшилашда муҳим ўрин тутиши турган гап.

Асқар ИСТАМОВ,


“Хабар”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири



Бағрикенг халқимизни яқинлашаётган Мустақиллик байрами билан қутлаймиз. Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин. Ўзбекистон шухрати янада юксалаверсин!

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ ФАРФОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Меҳнаткаш халқимизни, жумладан, ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган энг улуг байрам – Мустақиллик куни билан муборакбод этади.



“РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ” ДУҚ ЖАМОАСИ

Жаннатмонанд Ўзбекистонимиз аҳлини 1-сентябр – умумхалқ байрами билан табриклайди.

Азиз юртдошлар! Озодлик қуёши бошимиз узра мангу нур сочсин!



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ

“НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Хур ва обод юртимиз фуқароларини яқинлашаётган 1 сентябр – Мустақиллик куни билан муборакбод этади. Хонадонингиз обод, дастурхонингиз тўкин бўлсин!

O'SMIRLAR OLIMPIADASI

**КУРАШЧИЛАРИМИЗНИНГ
БАРЧАСИ
ШОХСУПАГА
КЎТАРИЛДИ**

14 август куни Сингапурда жаҳон спорти тарихидаги янги мусобақа — усмирлар ўртасида I Олимпия ўйинларига старт берилди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган уч минг нафардан зиёд 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг 31 тури бўйича 184 медаллар жамланмаси учун кураш олиб боришмоқда.

Вакиллари-миздан курашчи спортчиларимиз мухлису мутахассисларни хурсанд қилмоқда. Биринчилардан бўлиб полвонларимиз — Нурбек Ҳаққулов кумуш, Руслан Комилов бронза медални қўлга киритди. Юнон-рум курашчиларимизнинг зафарли одимларини Нилуфар Галоева давом эттирди. У терма жамоа ҳисобига битта бронза медал келтирди.

76 килограмм вази тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Диёрбек Эргашев жамоалошларининг муваффақиятли одимларини давом эттириб, шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Сингапур Олимпиядада қатнашган тўрт нафар курашчимизнинг барчаси терма жамоамиз ҳисобига медал кўшгани қувонарлидир.



TENNIS

**ИСТОМИН ФЕДЕРАЕРНИ
ЕНГА ОЛМАДИ**

АҚШнинг Цинциннати шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилаётган "Мастерс" туркумидаги нуфузли халқаро турнирда дунёнинг энг кучли ракетка усталари қатори ҳамюртимиз Денис Истомин ҳам иштирок этди.

Теннисчимиз дастлабки учрашувда АҚШлик машҳур ракетка устаси Жеймс Блейкка қарши кортга чиқди ва 45 дақиқа давом этган баҳсда 6:3, 6:0 ҳисобида зафар кучди. Иккинчи босқичда вакилимизга Цинциннатидagi турнирнинг уч карра ғолиби, жаҳон рейтингда иккинчи поғонада турган Рожер Федерер (Швейцария) рўбарў келди. Баҳсда Федерер ғалаба қозонди.



FUTBOL

**"Бунёдкор" — Ўзбекистон
кубоги соҳиби!**

Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон кубоги финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда пойтахтнинг «Бунёдкор» ва Ғузорнинг «Шўртан» жамоалари ўзаро куч сынашишди. Уйиннинг 62-дақиқасида Ристич томонидан киритилган гол «қалдирғочлар»ни Кубок соҳибига айлантирди. Бош совринни тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Футбол Федерацияси президенти Мираброр Усмонов иштирок этди ва ғолибларни тақдирлади.



«Байналмилал» — бронза медал соҳиби

Россиянинг Волжский шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон чемпионолар кубоги — «Ғалаба кубоги»да иштирок этган Ўзбекистоннинг «Байналмилал» клуби 3-ўринни қўлга киритди.

Ушбу турнир ғолиби — Россиянинг «СКИ-Академия» клубига баландлиги 90 см бўлган «Ғалаба кубоги» топширилди.

Испания турнири

Испанияда старт олган ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки учрашувини маҳаллий "Вильярреал" клубига қарши ўтказиб, жангдор дурангга эришди.

"В" гуруҳи

"Вильярреал" — Ўзбекистон 2:2

Голлар: Салва (11), К.Эстева (75) — Т.Абдуҳолиқов (24, 52).

Турнирдаги иккинчи учрашувда Сенегалнинг "Этуал Лузитан" клуби билан баҳс юритган Марат Кабаев шогирдлари Мирғиёс Сулаймоновнинг голи эвазига ғалаба қозонди.

"Этуал Лузитан" (Сенегал) — Ўзбекистон (U-19) 0:1

Гол: М.Сулаймонов (27).

Сўнгги турда Кабаев шогирдлари гуруҳ пешқадами бўлиб турган Эквадорга қарши тўп сурдилар. Ушбу баҳсда дуранг натижа ҳам терма жамоа вакиллариининг кейинги босқичга чиқишларига старли бўларди. Аммо вакиллариининг 1:0 ҳисобида мағлуб бўлиб, ярим финалга чиқиш имконини бой беришди.

Эквадор — Ўзбекистон — 1:0



Ким энг яхши бўлади?

УЕФА ташкилоти ўз талқини бўйича 2009-2010 йилги мавсумнинг энг яхши ўйинчиси номини олиши мумкин бўлган футболчиларнинг рўйхатини эълон қилди:

Дарвозабонлар — Жулиу Сезар («Интер», Италия), Юго Ллорис («Лион», Франция), Виктор Валдес («Барселона», Испания);

Ҳимоячилар — Лусиу, Майкон (иккаласи ҳам — «Интер», Италия), Херард Пике («Барселона», Испания);

Ярим ҳимоячилар — Хави («Барселона», Испания), Арен Роббен («Бавария», Германия), Уесли Снайдер («Интер», Италия);

Ҳужумчилар — Лионел Месси («Барселона», Испания), Уэйн Руни («Манчестер Юнайтед», Англия), Диего Милито («Интер», Италия).

"Интернационал" — Либерадорес кубоги ғолиби

Бразилиянинг "Интернационал" жамоаси Жанубий Америкадаги мавсум қаҳрамонига айланди. Мексиканинг "Чивас де Гвадлахара" жамоасига қарши кечган Либерадорес кубогининг финал баҳсида ғалаба қозониб, ўз тарихларида иккинчи маротаба бу совринни бошлари узра баланд кўтаришди.

"Интернационал" — "Чивас Гвадлахара" — 3:2

Голлар: Рафаэл Собис (61), Леандро (75), Жулиано (89) - Де ла Мора (43) Омар Браво (90+3).

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"TV CHIRCHIQ TELEVISION" масъулияти чекланган жамиятининг (Чирчиқ ш.) ўз аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003213 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 5 августдан тугатилди.

"EDELVEYS-ALI" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз аризасига мувофиқ радиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002685 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 5 августдан тугатилди ва мазкур лицензиянинг мuddатига мос равишда радиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб бериш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Фаргона Телеком" филиали жамоаси бош ҳисобчи Мухаммадjon Аҳмадалиева палари бузруқвори
Мухтор отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли туман почта алоқаси тармоғи жамоаси Кулаб алоқа бўлими бошлиғи
Атажон ДАВЛЕТМУРАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоалари ходимлар билан ишлаш бўлими катта инспектори Робия Аҳмедназаровага онаси
Халима ҳожи онанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ” ЖАМОАСИ**

**Серқуёш юртимиз аҳолисини,
жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш
tizими ходимларини яқинлашиб келаётган
энг улуг, энг буюк байрамимиз
билан табриклайди.**



“UNICON.UZ” ДУК ЖАМОАСИ

**Ҳамюртларимизни умумхалқ байрами —
Мустақиллик куни билан табриклайди.
Азизлар! Байрам нафаси ҳамжиҳат халқимиз
турмушига фаровонлик, тинчлик-осойишталик
олиб кирсин!**



ANONS

ICTExpo 2010 кўргазмаси

Жорий йилнинг 22-24 сентябр кунлари INFOCOM 2010 ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ICTExpo 2010 кўргазмаси ўтказилади. Бу йилги кўргазма Тошкент билан бир вақтда Қарши ва Наманган шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Бир вақтнинг ўзида кўргазмани учта шаҳарда ўтказишдан мақсад — ахборот технологияларининг мамлакатимизнинг барча ҳудудларига кенг жорий этилаётганини намойиш этишдир. Кўргазма мобайнида видео-кўприк йўлга қўйилади. Бу таширф буюрувчиларга барча кўргаз-



малар иши билан бевосита танишиш имконини беради.

Кўргазмада Ўзбекистон ИТ-бозорининг етакчи компаниялари қатнашадилар. 150дан ортиқ иштироқчи компаниялар ахборот техно-

логиялари йўналишидаги ўзларининг энг сўнгги ишланмаларини омма эътиборига тақдим этади. Маҳаллий компаниялар билан бир қаторда Россия, Украина, Хитой, Австрия, Германия, Корея, Венгрия ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этади.

Кўргазма дастури жуда кенг. Унда нафақат янги ечимлар намойишидан баҳра олиш, балки қатор семинарлар, давра суҳбатлари, кўнгилочар талбирлар иштирокчисига айланиш ҳам мумкин.

Батафсил маълумот www.ictexpo.uz сайтида.

САМАРКАНДДА РАҚАМЛИ ЭШИТТИРИШ МУҲОКАМАСИ

Шу йилнинг 7-8 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида “Рақамли эшиттиришларни жорий қилиш ечимлари ва муаммолари” мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «UNICON.UZ» ДУК, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, Электромагнит мослашув маркази ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ҳамкорлигида ташкил этилади. Унда рақамли эшиттиришлар ривожига оид долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Конференция ишида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон Республикалари алоқа ва ахборотлаштириш маъмуриятлари вакиллари иштирок этиши кутиляпти.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

**Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХУҶАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АГАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуваҳид АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиққали

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-702 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қозғоғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Алади: 11461 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------